

Кейинги ўринларда “**Бююртмачи**” деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Пудратчи**” деб юритиладиган Балиқчи ТЙФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори М.Мадаминов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чикиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎЗР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Балиқчи тумани ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини кишки қаров ишлари бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНING МАҚСАДИ

1.1. “**Пудратчи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Балиқчи тумани ҳудудидан ўтувчи маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларида кишки қаров ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. “**Бююртмачи**” эса “**Пудратчи**”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНING БАҲОСИ ВА ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда 12 002 000 (Ўн икки миллион икки минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми бююртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар “**Бююртмачи**” томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 40% миқдоридан олдиндан аванс тарикасида “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. “**Бююртмачи**” томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан “**Пудратчи**” томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. “**Бююртмачи**” охириги тўловни “**Пудратчи**” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда биров 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Бююртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРNING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “**Пудратчи**”нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда “**Бююртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. “**Пудратчи**”нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. “**Бююртмачи**”нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қондалари” МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. “**Бююртмачи**”нинг ҳуқуқлари

“**Пудратчи**”дан бажариладиган кишки қаров ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“**Пудратчи**”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“**Пудратчи**” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

Балиқчи ТЙФУК

(иш бажариб берувчининг номи)

Манзили: Балиқчи тумани Оқ Кўрғон

МФЙ Андижон кўчаси 11-уй

Тел./факс: 74 323-22-29

х/в 22626000100577721006

Банк номи: “Ипотекабанк” Истиқлол бўлими

МФО: 00068 ИНН: 200260470

ОКОНХ: 42110

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х* 304510860034017045173118001

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919

Директор:

М.Ў

М.Мадаминов

Бошлик:

М.Ў

Т. Қараев

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

А.Мамажонов

Андижон вилоят АЙХББ билан Баликчи ТЙФУК ўртасида
тузилган умумий сўммаси 12 252 000
сўмлик № 17 - сонли шартномага илова

Баликчи ТЙФУК тасаруфидати давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида киши каров ишлари қиймати ва ишларга 2022 йил 1-чораги учун бажариш жадвали

Т/р	Йўлнинг номи	Йўлнинг узунлиги км	2022 йил жами харажатлар	Шу жумладан чораклар бўйича																
				I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак							
				ойлар			ойлар			ойлар			ойлар							
				январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь					
1	2	3	4	7	8	9	10	7	8	9	10	7	8	9	10	0.0	0.0	0.0	0.0	
1	Давлат аҳамиятидаги йўллар	10	2010.0	1005.0	1005.0			0.0												
2	4P126 Баликчи к.-Мингбулок к.-Найман к.-Пунгон к.	6	1206.0	603.0	603.0			0.0												
3	4P128 Бўз ш.-Ўрмонбек к.-Баликчи к.	15	3014.0	1507.0	1507.0			0.0												
4	4P129 "Чинобод ш.-Ўрмонбек к.-Сариксув к."	15	3014.0	1507.0	1507.0			0.0												
5	4P-134 "Куйганёр к.-Сиза к.-Эски Хаққулобод к.	15	3008.0	1504.0	1504.0			0.0												
	ЖАМИ	61.0	12252.0	6126.0	6126.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0

Андижон вилоят АЙХББ бошлиғи
Т.Караев.



Баликчи ТЙФУК директори
М.Маламинов.

